



ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР ВА ИНКЛЮЗИВ ЎСИШ САМАРАДОРЛИГИ



Ахадов Сардор Сиддиқ ўғли,
ТДИУ таянч докторанти

АННОТАЦИЯ. Мақолада қишлоқ хўжалигида амалга оширилган институционал ўзгаришлар ва улар самарадорлик динамикаси таҳлил қилинган ва баҳоланган. Тармоқда инклюзив иқтисодий ўсиш суръатлари ҳамда аҳолини иш билан бандлик даражалари прогноз қилинган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, барқарор ўсиш, институтлар, инклюзив институтлар, ишлаб чиқариш ресурслари, институционал омиллар, самарадорлик, бандлик.

Кириш. Ўзбекистон аграр сектори иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги асосий ўрин тутди. Шунинг билан бирга олганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва рентабелликни, экспорт салоҳияти ва ҳажмини, инвестициялар жалб этишни кескин ошириш вазифалари қўйилган [1]. Ушбу устувор вазифаларни самарали ҳал этиш, мазкур тармоқнинг ички имкониятлари ва заҳираларини унинг ривожланишига йўналтириш йўллари аниқлаш долзарб ҳисобланади.

Илмий манбаларда иқтисодиёт ривожини табиий ва меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифати; асосий капитал ҳажми; технологиялар билан белгиланиши [2] қайд этилган. Ушбу омиллар ишлаб чиқаришни ҳажм жиҳатидан таъминлайди ва таклиф омиллари деб юритилади. Шу билан бир қаторда иқтисодиёт ривожланишидаги ўзгаришлар корхона ва ташкилотлар ҳамда аҳоли истеъмол талабларига боғлиқдир. Таклиф ва талаб омиллари бир-бирлари билан ҳам ўзаро боғлиқ ҳисобланади. Иқтисодий ўсишга моддий ва бошқа ресурсларни тақсимлаш ва ниҳоят иқтисодиёт ривожига институционал омиллар [3], яъни давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқий, расмий нормалар ва тадбиркорлик муҳити институтлари таъсир кўрсатади.

Шуларни ҳисобга олганда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини барқарор инклюзив (кенг кўламли) ривожланиши ва иқтисодий ўсишига тармоқда мавжуд ишлаб чиқариш ресурслари ҳамда институционал омиллар самарадорлигини баҳолаш ушбу тадқиқот ишининг мақсадлари ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили. Хорижий давлатлар ҳамда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ривожланишининг стратегик талабларига мос илмий ишлар кўплаб олиб борилган бўлсада, аграр соҳа тармоқларида, хусусан, қишлоқ хўжалигида

институтлар ва институционал омиларнинг иқтисодий ўсишига таъсир етарлича ўрганилмаган.

Илмий нуқтаи назардан ушбу қўйилган стратегик вазифалар иқтисодиёт ривожланишини институционал омилари сифатида асосий роль ўйнайди. Шуларни ҳисобга олганда О.С.Сухаревнинг [4] институтларга берган таърифи иқтисодий ўсиш назариясини бойитиш билан бирга аграр соҳани инновацион ривожланишини тезлаштиради.

Институтларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини белгилаб берувчи омилар Р.О.Улямсон [5], Д.С.Львов [6], О.В.Мамай ва бошқалар [7] томонидан асослаб берилган.

Ўзбекистон олимлари ҳам кейинги йилларда инклюзив иқтисодий ўсишга институционал омилар ўзгаришини баҳолаш ва улар самарадорлигини ўлчашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, Р.Х.Тошматов [8] тадқиқотларида қишлоқ хўжалигида ер ва хусусий мулкчилик, шартнома ҳамда ишлаб чиқаришда институционал муносабатларга асосланган. Б.Б.Мамбетов тадқиқотларида қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни ривожлантиришнинг институционал омилари таҳлил қилинган ва самарадорлиги баҳоланган [9]. Инклюзив иқтисодий ўсиш омилари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги Н.В.Холбаев [10]нинг илмий ишларида ўрганилган.

Институционал ўзгаришлар ва инклюзив иқтисодий ўсиш муаммолари тўғрисидаги тадқиқотлар кўп бўлишига қарамасдан иқтисодиёт тармоқларининг институционал омилари ва уларни ривожлантириш йўналишлари ва улар нормаларини такомиллаштириш амалий нуқтаи назардан ортда қолмоқда.

Шуларни ҳисобга олиб, ушбу тадқиқотда қишлоқ хўжалиги ривожланиш самарадорлигига институционал омилар ўзгариши орқали баҳо берилган.

Тадқиқот методологияси. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси, аграр муносабатлар билан боғлиқ “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган асосий мақсадлар, институтлар ва институционал нормалар, қоидалар ва шартлар, шунингдек, ЎзРда иқтисодий ўсиш ва ривожланишни тартибга солишнинг қонунчилик асослари ушбу мавзунинг тадқиқот методологиясини ташкил этади.

Таҳлил ва натижалар. Маълумки, Ўзбекистон иқтисодиётида саноат тармоқлари институтлари билан бир қаторда қишлоқ хўжалик институти ҳам асосий роль ўйнайди. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни ривожланиши учун катта ҳажмдаги ер-сув, меҳнат, техника ва бошқа миллий ресурслар жалб этилган. Қишлоқ хўжалигида институтлар ишлаб чиқариш омили сифатида ушбу ресурслардан самарали фойдаланиш тармоқда инклюзив иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг асосий манбаи ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида ҳозирги кунда давлат бошқаруви ва ишлаб чиқариш тизимларида 59,7 минг бирлик (2023 й.) институтлар фаолият юритади. Бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 4,1 мартага ошган.

Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигига 25769,0 минг гектар ер майдони ажратилган, унинг 82,2 фоизи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ихтиёрига берилган. Қишлоқ хўжалигида

фойдаланиладиган ерларнинг 15,6 фоизи ҳайдаладиган ерлар; 1,7 фоизи боғ ва токзорлар; 82,3 фоизи пичанзорлар ва яйловлар; 24,1 фоизи бошқа ерлар ҳисобланади (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида асосий бошқарув институтлари ва ишлаб чиқариш омиллари таркибининг ўзгариш динамикаси, (минг га, минг бош)

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2015	2020	2021	2022	2023
Бошқарув институтлари сони	14,0	31,7	44,6	49,5	57,9
Ҳайдаладиган ерлар	4360,6	4033,5	4022,9	4016,0	4028,3
Фермер хўжаликлари ери	3129,1	3269,1	3184,1	3002,5	2941,2
Деҳқон хўжаликлари ери	477,2	442,8	437,1	433,3	432,4
Кўп йиллик дарахтлар	371,9	403,8	415,2	421,4	438,5
Пичанзор ва яйловлар	21125	21118,0	21444,3	21253,1	21212,5
Қишлоқ хўжалигида бандлар (млн. киши)	3,6	3,5	3,4	3,4	3,5
Ўсиш суръатлари, %	105,8	103,2	103,1	103,0	103,2
Қишлоқ хўжалигида асосий фондлар (трлн. сўм)	16,3	10,2	11,4	12,6	14,2
Қора моллар сони	10995,2	12947,7	13154,3	13544,4	13853,54
Қўй ва эчкилар	18438,9	21906,0	22458,8	22970,6	23602,5
Паррандалар (млн. бош)	56,3	87,8	89,6	91,9	97,6

Манба: ЎЗР Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган.

Қишлоқ хўжалигида ҳайдаладиган ерлар 2023 йилда 2015 йилга нисбатан қарийб 332,3 минг гектарга камайган. Шу даврда боғ ва узумзорлар 66,6 минг гектарга кўпайган. Бу мамлакатимизда суғориладиган ва лалмикор ерларда интенсив боғлар ташкил этиш ҳисобига юз бермоқда.


Ўзбекистон аҳолисининг 49 фоиздан кўпроғи (2023 й.) қишлоқ жойларида яшайди ва унинг 3,5 миллиони қишлоқ хўжалигида ишловчилар ҳисобланади. Статистик маълумотларга кўра, қишлоқ хўжалигида бандлар сони 2023 йилда 2022 йилга нисбатан 100 минг кишига ёки 2,9 фоизга кўпайган. Бундай ўзгариш республика шаҳар одди фермер хўжаликларида кўп қўл меҳнати талаб қилувчи эртаки озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳамда интенсив технологияга асосланган боғдорчилик ва узумчиликнинг кенгайтиши ҳисобига юз бермоқда.

Хулоса қилиб айтганда қишлоқ хўжалигидаги ер, сув, меҳнат ҳамда бошқа ишлаб чиқариш ресурслари инклюзив иқтисодий ривожланиш ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўсишини белгиловчи ички омилар ҳисобланади. Шу билан бир

вақтда қишлоқ хўжалик ривожини ва иқтисодий ўсишига институционал омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Авваламбор бундай омилларнинг биринчи гуруҳига институционал ислохотлар жараёнида янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар-фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари киради. Юридик шахс сифатида улар фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солишнинг ҳуқуқий-институционал нормалари ва механизмлари иккинчи гуруҳ институционал омилларни ташкил қилади. Институционал ислохотлар жараёнида қишлоқ хўжалигида, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ташкил этилган янги институтлар ўртасидаги ўзаро шартномавий муносабатларни тартибга солиш нормалари институционал омилларнинг учинчи гуруҳини ташкил этади.

Ушбу санаб ўтилган гуруҳларга кирувчи институтлар нормалари ва шартлари “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги ва бошқа Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда қонунчилик нормалари ҳужжатларида ўз аксини топган ва улар институционал муҳит ўзгаришига мос равишда такомиллаштирилиб борилмоқда. Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар жараёнида шаклланган институционал омиллар соҳа институтлари ривожланишига яратди ва бу иқтисодий ўсишга маълум даражада ўз таъсирини кўрсатмоқда.


Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич олиб борилган институционал ислохотлар натижасида 2001 йил бошида республикада 47 мингдан ортиқ хусусий фермер хўжаликлари фаолият юрита бошлади. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ана шу институционал ислохотларнинг дастлабки босқичларида тармоқда 1991-1992, 1994, 1996 йилларда иқтисодий ўсиш суръатлари мос равишда ўртача 1,1; 6,4; 7,3; 5,6 фоизга пасайди. Ушбу кўрсаткичлар 2015-йилда 6,3; 2020-2023 йилларда 2,7; 3,6; 3,9 фоизга ошди (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида инклюзив иқтисодий ўсиш суръатлари

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асоида тузилган

Қишлоқ хўжалигида бундай юқори ривожланиш суръатлари экин майдонлари кенгайиши эвазига эмас, балки асосан тармоқда инклюзив иқтисодий ўсиши ҳисобига юз бермоқда. Дарҳақиқат мамлакатда буғдой ҳосилдорлиги 1990 йилдан 2015 йилгача 2,5 мартага, картошка 3,6; сабзи ва қарам 1,5; полиз маҳсулотлари 1,8 мартага ошди. Ушбу экинлар ўртача ҳосилдорлиги 2022 йилда 1990 йилга нисбатан мос равишда 28; 123,4; 46,1; 100,8 центнерга ошган (2-расм).



2-расм. Ўзбекистонда асосий турдаги қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг ўзгариш динамикаси, центнер ҳисобидан

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асоида тузилган

Республика бўйича 2023 йилда аҳоли жон бошига 224,1 килограмм ғалла етиштирилди. Бу 2021 йилга солиштирганда 5,4 килограммга ёки қарийб 2,5 фоизга кўпдир. Шу даврда аҳоли жон бошига 96,6 кг картошка; 313,1 кг сабзавот; 67,1 кг полиз; 84,1 кг мева; 49,4 кг узум; 76,5 кг гўшт (тирик вазнда); 326,2 кг сут; 228 дона тухум; 5,3 кг балиқ ишлаб чиқарилган.

Бундай юқори ўсиш тенденциялари пахта ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги хом ашёси ва маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳам сақланиб қолмоқда. Натижада қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг мамлакат ЯИМдаги қиймати ҳам ўсиб бориш тенденциясига эга.

Статистик маълумотларга кўра, қишлоқ хўжалигининг мамлакат ЯИМ ҳажмидаги улуши 18,3 фоиздан (2015 й.) 21,5 фоизгача (2023 й.) ошди. Ўсиш 2023 йилда 2015 йилга нисбатан 1,1 мартани ташкил этган (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари (мрд. сўм)

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2015	2020	2021	2022	2023
Қишлоқ хўжалигининг ЯИМ даги улуши, %	18,3	24,9	24,6	23,5	24,5
Қишлоқ хўжалигининг	99604,6	250250,6	303415,5	345191,7	404600,0

ялпи маҳсулоти (амалдаги баҳоларда)					
Аграр сектордаги бандлар сони, минг киши	3604,5	3499,2	3414,7	3429,6	3439,7
Қишлоқ хўжалигига киритилган инвестициялар	1377,9	14776,8	17727,9	15703,6	17940,6
Умумий инвестициялардаги улуши, %	3,1	7,0	7,23	6,0	5,0
Бир гектар суғориладиган ерга тўғри келадиган инвестициялар, минг сўм	437,8	483,7	587,5	518,1	596,2
Бир гектар суғориладиган ерга тўғри келадиган ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти, млн. сўм	29,5	81,9	100,6	113,8	133,3

Манба: ЎзР Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги (тармоқда банд бўлганлар сони кўпайиб боришига қарамасдан) ўсиб бориш тенденциясига эга. Агар 2015 йилда қишлоқ хўжалигида битта банд бўлган ишловчига 27632,6 минг сўм маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 71516,5 минг сўмга тенг бўлган. Ўткир 10 йил ичида қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги 2 мартага ошган. Бу ижобий тенденция қишлоқ хўжалигида кўпроқ инклюзив иқтисодий ўсиш ҳисобига юз бераётганлигини кўрсатади. Ушбу ижобий ўзгариш кейинги йилларда қишлоқ хўжалигига киритилаётган инвестициялар ошиб бориши билан ҳам изоҳлаш мумкин. 3-жадвал маълумотларига кўра қишлоқ хўжалигига киритилган инвестициялар асосан янги техникалар сотиб олишга, ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашга ва шу каби тармоқни модернизация қилиш лойиҳаларига йўналтирилган бўлиб, улар ҳажми 2015 йилдан 2023 йилгача 13 мартага ошган. Шу билан бирга тармоққа киритилган умумий инвестициялардаги улуши ҳам ошмоқда. Бир гектар суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерига 2015 йилда 437,8 минг сўм, 2023 йилда эса 596,2 минг сўм инвестиция сарфланган.

3-жадвал

**Қишлоқ хўжалигининг инклюзив иқтисодий ўсиш суръатларини
прогноз кўрсаткичлари**

Йиллар	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, %	Иш билан бандликнинг ўсиш суръати, %
2025	5,59	1,89
2026	5,78	2,04
2027	5,96	2,18
2028	6,10	2,29

2029	6,19	2,36
2030	6,21	2,42

Манба: эконометрик модель асосида ҳисобланган.

Умуман олганда қишлоқ хўжалигида амалдаги нархларда бир гектар суғориладиган ерга ҳисоблаганда 2015 йилда 29,5 млн. сўм, 2020 йилда 81,9 млн. сўм ва 2023 йилда 133,3 млн. сўмга тенг маҳсулот ишлаб чиқарилган. Ёки 2023 йилда 2020 йилга нисбатан 1 га суғориладиган ердан олинган маҳсулот қиймати 1,6 мартага ошган. Аммо бу бизнинг фикримизча, мавжуд имкониятлар даражасидан паст. Шу билан бир қаторда қишлоқ хўжалигида шакланган институционал муҳит омилларининг мазкур тармоқнинг истиқболида ЯИМ ҳажмига қўшаётган улуши ўзгаришини прогноз кўрсаткичлар, аграр соҳанинг барқарор инклюзив ривожланиш тенденциялари сақланиб қолиши мумкинлигини кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, қишлоқ хўжалигининг ЯИМ ҳажмидаги улуши республикада прогноз қилинаётган 2025-2030 йилларда 5,59 фоиздан (2025) 6,21 фоиз (2030) даражасида бўлиши кутилади (3–жадвал).

Бунда умумий бандлик даражаси соҳа бўйича 1,89 фоиздан 2,42 фоизга ошиши кутилади. Ушбу прогноз кўрсаткичлари институционал омиллар (Фармонлар, Қарорлар ва бошқалар) таъсирида маҳсулот ишлаб чиқариш ва бандлик ўсиш суръатларининг ўтган йиллар қийматларидан фойдаланиб ишлаб чиқилган қуйидаги бир омилли эконометрик модель асосида ҳисобланган:

$$y_1^{kx} = 3,235 + 1,25 \cdot L(t), (R=8763; R^2=0,768), (3.6)$$

(3.6) моделда (t) ўзгарувчи бўйича эластиклик коэффициенти 1,25 га тенг, яъни қишлоқ хўжалигида иш билан бандлик 1 фоизга ошса, тармоқда ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажми 1,25 фоизга ортади.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридаги таҳлиллар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

1. Қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич амалга оширилган иқтисодий ва институционал ислохотлар жараёнида аграр соҳада ер ижарасига асосланган янги хўжалик юритувчи институтлар ҳамда мулкчилик муносабатлари шаклланди. Шулар туфайли мамлакат қишлоқ хўжалигида барқарор иқтисодий ўсишнинг ижобий тенденциялари кузатилмоқда.

2. Қишлоқ хўжалигида барқарор инклюзив ўсишни таъминлашда тармоқда таркибий ўзгартиришларни, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ижобий роль ўйнамоқда. Бу асосий ишлаб чиқариш фондларини ҳамда товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар сарфлаётган техника, ўғит ва бошқа ресурсларни кўпайтириш орқали амалга оширилмоқда.

3. Қишлоқ хўжалигида ривожланиш экстенсив омиллар ҳисобига эмас, балки инклюзив омиллар, яъни экинлар ҳосилдорлиги ва қисман чорва моллари маҳсулдорлиги ошиши эвазига юз бермоқда.

4. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига йўналтирилган инвестициялар ҳажми етарли даражада эмас. Бу соҳада йирик инвесторлар иштирокида шаҳар олди ҳудудларида мева, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш,

қайта ишлаш ва сотишга ихтисослашган йирик агрохолдинглар ташкил этиш аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини қондиришда самарали йўл ҳисобланади.

5. Қишлоқ хўжалигининг мамлакат ЯИМ йиллик ўсиш суръатига қўшган улуши 2023 йилда 2015 йилга нисбатан 6,2 фоизга ошган. Шунинг ҳисобга олганда қишлоқ хўжалигида хусусий мулкчилик институтларини ривожлантириш, кўп тармоқли фермер хўжалиқларида янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш учун давлат томонидан мақсадли кредитлар бериш кенгайтирилса ушбу улуш 2030 йилгача 1,8 мартага ошиши мумкин.

6. Прогноз кўрсаткичларини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалигида институционал омилларни иқтисодий ўсишга сафарбар қилиш ҳамда товар ишлаб чиқарувчиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада фаоллаштириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. ЎЗР Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли Фармони. 11.09.2023 й.
2. Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблема и политика. В 2 томах. Пер. с англ. Т-1. Таллин, 1993. -С. 380-395.; E. Denison Trends in American Economy Growth, 1929-1982. Washington: The Brijking Institution, 1985. P.
3. Институциональные основа формирования многоукладной экономики. – Т.: Консаудитинформ, 2002. –С. 160-197.
4. Сухарев О.С. Институциональная теория экономического роста: основные императивы. // Экономическая теория. №3., 2015.
5. Улямсон Ф.О. Экономические институты капитализма СПб., 1996, с.71-76.
6. Введение в институциональную экономику. / Под. ред. Д.С.Львова. – Москва: Изд. «Экономика», 2005.
7. Мамай О.В., Мамай И.Н. Теоретические основы инновационного развития аграрного сектора региональной экономики. Монография./ В.Мамай, Кинель, 2015. - 166 с.
8. Тошматов Р.Х. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг институционал механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. 2023 бет. 80 бет.
9. Мамбетов Б.Б. Қишлоқ хўжалиги тадбиркорлигининг хусусиятлари ва ривожлантириш истиқболи (Қорақалпоғистон Республикаси деҳқон хўжалиқлари мисолида). Автореферат PhD. Нукус, 2020.
10. Холбайев Н.В. Ўзбекистонда инкlyузив иқтисодий о'сishни та'mинlash mexanizmini takomillashtirish. Avtoreferat PhD. Toshkent, 2024.
11. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали
12. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
13. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги расмий сайти

Copyright: © 2025 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

